

МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сайфиддинов Ақлиддин Анваржон ўғли
ТДЮУ магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолияти, уларнинг маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат амалга оширишлари механизми, Кенгаш назорати институтини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: депутат, маҳаллий вакиллик органи, Кенгаш назорати, ҳоқим, прокурор.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КОНТРОЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

Аннотация: В данной статье рассматривается контрольная деятельность местных представительных органов, механизм их эффективного контроля за деятельностью местных исполнительных органов власти, а также вопросы совершенствования контрольного института местного Совета.

Ключевые слова: Депутат, местный представительный орган, хақим, прокурор.

ISSUES OF IMPROVING THE CONTROL ACTIVITIES OF LOCAL REPRESENTATIVE BODIES

Annotation: This article discusses the control activities of local representative bodies, the mechanism of effective control over the activities of their local executive authorities, the improvement of the institution of council control.

Key words: Deputy, local representative body, Council Control, governor, prosecutor.

Халқ депутатлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлар фаолиятини кучайтириш, уни ҳудудлар бошқарувида тутган ўрнини такомиллаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу соҳада айниқса, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг назорат функциясини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, миллий, тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизга асосланиб, маҳаллий давлат ҳоқимиятини ўзига хос модели яратилди. Мустақиллик йилларида маҳаллий давлат ҳоқимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида ҳам маҳаллий давлат

Ҳокимиятининг асосларини белгилаб берувчи нормалар киритилди. 1992 йил январдан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик лавозими жорий этилди. 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида “Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир” [1] деб қайд этиб ўтгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022-йил 28-декабрдаги 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60сон Фармонида Халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш; Маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, шу жумладан ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш вазифалари белгилаб қўйилди [2].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, назорат билан боғлиқ вазифалирини янада такомиллаштириш бугунги маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадимиздир. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат фаолияти, адабиётларда ва амалиётда “депутатлик назорати” деб юритилади [3]. Миллий қонунчилигимизда депутатлик назорати шаклларида бири вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши институтининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, депутатлик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, депутатлик назорати субъектлари ўз назорат ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этишлари муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, маҳаллий Кенгашлар назорат функциясининг асосий мақсадларидан бири – бу ҳудудда ижро ҳокимияти доминантлигининг олдини олиш ва уни тийиб туришдан, натижада манфаатлар мувозанатини таъминлашдан иборатдир. Депутатлик назоратини амалга оширишнинг муҳим мақсадларидан бири маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида суистеъмолликлар, қонунбузарликлар, коррупциянинг олдини олиш ва уларни чеклаш, шунингдек ҳудудлардаги барқарорликни сақлаб туриш ҳисобланади. Бугунги

кунда маҳаллий Кенгашлардаги “Кенгаш назорати” институтини самарали ташкил этиш билан боғлиқ айрим масалалар мавжуддир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати мақоми тўғрисида”ги қонунда депутатлик назорати институти мавжуд. Бироқ мазкур қонун депутатларнинг назорат фаолияти механизмини тўлиқ очиб бермаган. Шунга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг назорат функцияларини жорий қилиш ва ушбу функцияларининг амалда таъсирчан ишлашини таъминлаш мақсадида “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонун билан Кенгаш назоратининг субъектлари, объекти доиралари, назорат шакллари, назорат якуни бўйича кўриладиган чоралар батафсил ёритиб берилиши лозим.

Вакиллик органи назорат функциясини жорий этиш халқ депутатлари Кенгашлари ва маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолиятининг самарали иш олиб бориши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Кенгашнинг самарали фаолият юритиши “Кенгаш назорати”ни амалга оширишда намоён бўлади. “Кенгаш назорати”ни ташкил этишдан мақсад халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, маҳаллий Кенгаш назоратининг субъектлари сифатида қуйидагиларни белгилаш лозим:

- ☒ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари;
- ☒ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари;
- ☒ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари партия ва депутатлик гуруҳлари;
- ☒ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари.

Кенгаш назоратининг объекти сифатида эса қуйидагиларни белгилаш талаб этилади:

- ☒ Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;
- ☒ Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари;
- ☒ Ҳоким қарорлари;
- ☒ Прокуратура органлари (муайян ишга тааллуқли бўлган назорат бундан мустасно);
- ☒ Тегишли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, депутатлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида “Депутат сўрови”нинг ўрни салмоқлидир. Шу сабабли ҳам, мазкур қонун лойихасида депутатлик сўровини амалга ошириш механизмларини ҳам батафсил белгилаш жоиз. Чунки, маҳаллий Кенгаш депутатларининг сўровига ўз вақтида жавоб келмаслиги ҳам депутат фаолиятига салбий таъсир этадиган омиллардан биридир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, маҳаллий вакиллик органлари ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида, муаммо ва камчиликларни бартараф этишда асосий боғинга айлантириш бизнинг пировард мақсадимиздир.

Улар фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Кенгаш назорати тушунчасини киритиш, юқори давлат органларида парламент назорати бўлгани каби қуйи давлат органида ҳам назорат функцияси жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Кенгаш назорати – ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланади, Кенгашда чиқарилаётган қарорлар сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди ва Кенгашнинг ролини юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу назорат маҳаллий давлат ва жамият ҳаётига оид энг муҳим масалалар юзасидан Кенгашнинг муносабатини, қараш ва ёндашувларини акс эттирадиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён ҳисобланади. Кенгаш фаолиятини сифатли ва самарали ташкил этиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муаммоларини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жахон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиши сари.Т.: Ўзбекистон. 2010. Ж. 18. 136 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
3. « Йўлдошев А. Ўзбекистонда депутатлик назоратини кучайтиришнинг айрим назарий-ҳуқуқий масалалари // Жамият ва бошқарув. 2014. № 2. 48 б.; Юлдашев А.Э
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон;
<https://lex.uz/docs/6445145>